



**“Тасдиклайман”
Вобкент ТЙФУК**

**Н.Т.Курбонов
2022 йил**

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Вобкент – 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Танлов предмети Бухоро вилоят Вобкент ТЙФУКга қарашли объектларда Самосвал (25 тонна) ёрдамида хизмат кўрсатиш

Иш тури: Самосвал (25 тонна) хизмати

Иш миқдори (ой) : 2

Бир ой : 32 000 000 сўм

Жами бошланғич сумма : 32 000 000 сўм

- 1.2. Танлов охири қиймати - 32 000 000 (уттиз икки миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинади.
Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб йил давомида 2022 йил 31 декабрга қадар
- 1.5. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

2.1. **Вобкент ТЙФУК** (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Бухоро вилояти Вобкент туман Беруний куча 10 уй.

Эл.адрес: vobkent_yul@uzex.uz

- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3. Танлов Вобкент ТЙФУК “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловга иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:
 - Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
 - Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
 - Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
 - Танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 %дан кам бўлмаган ҳолда).
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этиш рухсат берилмайди:
- Қайта ташкил этиш (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
 - Мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:
- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйидаги техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- 4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:
Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:
- Техник таклиф, корхона бланкасида имзоланган, бетлари рақамланган ҳолда;
 - Техник хужжатлар рўйхати (техник паспорт ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);
- 4.5. Танлов иштирокчиси : - ФАҚАТ БИТТА таклиф бериши мумкин;
- 4.6. Тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларининг ҳаққонийлигига ўзи жавобгар бўлади.
- Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

- 5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.
- 5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

- 6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Танловни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.
- 6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда, ундан олдин олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.